O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 март жума

Сотувда эркин нархда

№ 48 (2345)

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Давлат шошилинч тиббий ёрдам маркази Бухоро филиалида дори-дармонга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш имконияти юзага келди. Бу ерга Германиянинг учта фирмасидан 20 турдаги қарийб ярим миллион сўмлик дори-дармон келтирилди. Улар давлат кредити асосида харид қилинди. Бунга қадар эса айнан шу мамлакатдан замонавий тиббий ускуналар ҳам олинганди.

Бу тиббий ускуналар Германия Қизил Хоч ташкилоти томонидан хайрия тариқасида ажратилганди. Мазкур ташкилот уч йилдирки, бухоролик шифокорларга беминнат ёрдам кўрсатиб келяпти. Хусусан, яқинда кўрсатилган хайрия кўмаги айни муддао бўлди. Илмий марказ филиалида айни кунларда телеускунали ҳаракатланувчи рентген аппарати ва бошқа ноёб асбоб-ускуна ишлаб турибди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

**уни ривожлантириш борасида ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман аниқ, пухта ҳаракат дастурига эга бўлиши керак**

Хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун энг қулай ва ишончли ҳамкор, деб билишмоқда. Шу боис ҳам уларда ўз сармояларини республикамизга кўпроқ жойлаштириш ва биз билан узоқни кўзлаб ҳамкорлик қилиш истаги тобора ортиб бораяпти. Юртимиздаги сиёсий барқарорлик, бой хомашё ресурси, энг қулай инвестицион муҳит бунинг асосий омили бўлмоқда. Бугун мамлакатимизда 80 дан ортиқ хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 3600 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд. Ҳолбуки, Марказий Осиё давлатларининг бирортаси бунчалик кўп қўшма корхонага эга эмас.

Албатта, ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам қулай, ҳам фойдали бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамизда қўшма корхоналар ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлагани шерикларимиз каби биз учун ҳам айни муддао бўлди. Таъбир жоиз бўлса, қўшма корхоналар мамлакатимиз саноати ривожида янги даврни бошлаб берди. Автомобилсозлик, саноат, қурилиш, телекоммуникация каби соҳаларда қисқа вақт ичида оламшумул муваффақиятларга эришдик.

Кейинги йилларда қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси сезиларли даражада ортмоқда. Масалан, 1994 йилда республикамизда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг бор-йўғи 2,6 фоизи қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 13 фоиздан ортиб кетди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, жаҳон бозорига кириб бораётган маҳсулотлар ҳажми шу давр ичида 16 баробарга кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси мустақилликка эришган дастлабки кунларимизданоқ республикамиз Президенти хориж сармояларини жалб этиш орқали қишлоқларга саноатни олиб кириш, умуман, саноатни ривожлантиришни мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири қилиб белгилагани нечоғли тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

Республика миқёсида бирор анжуман йўққи, қўшма корхоналар ҳақида гапирилмаган бўлсин. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси мажлисидан тортиб, Сирдарё вилоят халқ депутатлари кенгаши сессияси ҳам бундан мустасно бўлмади. Республикамиз Президенти бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, айрим туман раҳбарларининг бу муҳим масалага эътиборсиз қараётгани, ўзибўларчилик кайфиятидан ҳамон қутула олмаётгани хусусида тўхталди.

Бу ўринда раҳбарга кўп нарса боғлиқ, айниқса, у ҳоким бўлса. Каттами, кичикми корхона ёки ташкилот раҳбари ўз жамоасида меҳнат қилаётган ҳар бир одамнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, қандай ҳаёт кечираётгани учун масъул бўлганидек, ҳоким ана шу ҳудудда истиқомат қилаётган барча аҳолининг бугуни, эртаси ва келажаги учун масъулдир. Шу боис ҳам, Юртбошимиз уларга **«жойлардаги менинг вакилларим»**, дея катта ишонч билан қарайдилар. Айрим ҳокимларнинг ана шу ишончни оқлаш, унинг уддасидан чиқиш учун сидқидилдан, астойдил жон куйдирмаётгани ғоят ачинарлидир. Эртага улар ўзларидан қандай ном қолдиради, оддий халқ уларни қайси фазилатлари ва яхши ишлари учун эслашади, қадрлашади? Бу ҳақда, айниқса, шаҳар ва туман ҳокимлари дўппини олиб қўйиб, жиддий ўйлаб кўришлари лозим.

Республикамизда халқ дарди, ташвиши билан ёниб яшаётган раҳбарлар оз эмас. Газетанинг Наманган вилояти бўйича мухбири вазифасида ишлаб юрган кезларимда Косонсой тумани ҳокими билан кўп суҳбатлашганман. Журналист сифатида мен, тиришқоқ, изланувчан, тиниб-тинчимас бу ҳоким яна қандай ўй-ташвишлар билан юргани, яна қандай янгиликлар қилмоқчи эканлиги билан қизиқардим. Бир куни суҳбатдошларимиздан бири ҳокимга қарата, «Бир неча қўшма корхона очаман деб елиб-югургандан кўра, ўз кучингиз билан, битта бўлса ҳам, мустақил корхона қурсангиз бўлмайдими, шериклик ош, барибир шериклик-да», дея сўз қотди.

— Хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилган қўшма корхоналардаги валютага олиб келинган замонавий дастгоҳларни шерикларимиз ўзлари билан қайтариб олиб кетмайди, — деди шунда у. — Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг мулки, бойлиги бўлиб шу ерда қолади. Айни пайтда, қўшма корхоналарни қанча кўп ишга туширсак, шунча кўп маҳаллий ёшларимиз доимий иш билан таъминланади. Бизга шуниси муҳим.

Яқинда яна Косонсойда бўлдим. Орадан икки йил ўтар-ўтмас туман маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Текис, равон йўллар, уларнинг ҳар икки четида дид билан безатилган йўлакчалар, бошқа жойлардан тубдан фарқ қиладиган, шарқона услубда ишланган тунги ёритгич чироқлар, теварак-атрофнинг шинам ва озодалиги кишининг ҳавасини келтиради. Хуллас, Фарғона водийсининг энг шимолида, тоғ ёнбағрида жойлашган мўъжазгина шаҳарча бугун ўзгача бир файз, тароват кашф этибди.

— Айни пайтда туманимизда саккизта қўшма корхона бор, — дейди ҳоким, Олий Мажлис депутати Убайдулло Маматов. — Улар Латвия, Қозоғистон, Италия, Туркия ва Россия мамлакатлари ишбилармонлари балан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, асосан аҳоли гавжум жой — туман марказида жойлашган. Айрим хорижий шериклар билан қўшма корхоналар учун янги бинолар қурдик, айримларига эса бўш турган биноларимизни бердик. Уларни қуриш ва таъмирлаш жараёнида теварак-атрофни ободонлаштириш эътиборимизда бўлди. Шу йўл билан ҳам муҳташам бинолар қурдик, ҳам шаҳримиз мана шундай обод ва кўркам бўлди.

Тумандаги мавжуд қўшма корхоналарнинг фаолият тури ва йўналиши ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Диққатга сазовор томони, улар турли соҳаларга ихтисослашган бўлиб, асосан маҳаллий хомашёлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Масалан, туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бунёд этилган «Касми-Дери» қўшма корхонаси маҳаллий чорва моллари терисидан чарм куртка, пальто ҳамда чарм маҳсулотлари тайёрлашга, Латвия билан ҳамкорликдаги «Кура-аппаратура» қўшма корхонаси эса қишлоқ хўжалик техникаларининг ноёб эҳтиёт қисмларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Хуллас, уларнинг ҳаммаси туман ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, саноати, қишлоқ хўжалиги ривожи учун муҳим аҳамиятга эга.

Туркиялик шериклар билан биргаликда бунёд этилиб, ўтган йили фойдаланишга топширилган «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси тумандаги энг кенжа корхоналардан бири. Лекин у ишлаб чиқариш қувватининг юқорилиги ва фаолият тури бўйича нафақат Наманган вилоятида, балки Ўрта Осиёда ягона. 76 миллион АҚШ доллари сарфланиб, Франция, Германия, Италия, Белгия, Польшадан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилган мазкур корхона бир йилда 300 тонна қўй жунини қайта ишлаш имкониятига эга.

Бу ерда ўтган йилнинг ўзида қарийб 1,9 миллиард сўмлик костюм-шим, пальто, шунингдек, иссиқ чойшаб, гилам каби жундан тўқиладиган газламалар ишлаб чиқарилди. Айни пайтда корхонада бир ярим минг нафарга яқин маҳаллий аҳоли икки сменада меҳнат қилмоқда. Шу кунларда корхона қувватини янада ошириш, бу ерда ярим тайёр газламалар эмас, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Ана шу мақсадда янги ва мукаммал дастгоҳлар олиб келишга киришилди. Демак, яқин йиллар ичида қўшма корхона фаолияти янада кенгаяди. Бу эса ўз навбатида, яна қўшимча минг нафар маҳаллий аҳолини доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

70 йил давомида фақат биргина Шойи тўқиш фабрикасига эга бўлган Косонсой бугун саноати гуркираб ривожланган масканга айланди. Энг чекка туманга саноатнинг бу қадар тез кириб келишини бундан саккиз-тўққиз йил муқаддам тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Буни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ана шу қарашлар, тасаввурлар тубдан ўзгариб кетди. Бугун косонсойлик оқсоқоллар «Истиқлол туфайли шундай мўъжизалар рўй берди, шу кунларга етказганига шукур», дея шинам чойхоналарда ўтириб бир-бирларига гурунг беришяпти. Кеча далада кетмон чопиб юрган йигит-қизлар бугун энг замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқармоқда. Ўзбекистон ёшлари меҳнат қобилияти, салоҳияти, ақл-заковати Япония ёки Америка каби энг ривожланган мамлакатлардаги ишчиларникидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмаслигини амалда намоён этишаяпти.

Республикамиз Президенти Сирдарё вилоят халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида қўшма корхоналар ташкил этиш, уни иқтисодиётимиз тараққиётида тутган ўрни тўғрисида яна бир бор тўхталди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қўшма корхоналар ўзимизда мавжуд хомашёларни қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқариши ва бу билан мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда салмоқли ўрин тутиши лозим. Афсуски, Сирдарёдаги мавжуд қўшма корхоналарнинг аксарияти бу талабга тўла жавоб бермайди. Боз устига, ўн бешдан ортиқ қўшма корхоналарнинг фаолияти турли сабабларга кўра тўхтаб қолган. Шунингдек, Юртбошимиз бир гапни яна такрорладилар: **«агар қайси туманга хорижий инвестициялар жалб этилмаса, замонавий, харидоргир маҳсулот чиқарадиган қўшма корхоналар тузилмаса, бундай туманнинг келажаги йўқ».**

Бу гапни республикамиздаги ҳар бир туман ҳокими ёдда тутмоғи, бу борада аниқ, пухта ҳаракат дастурига эга бўлмоғи ва ана шу йўлда изланиши, ташаббус кўрсатиши лозим. Акс ҳолда, туманга раҳбарлик қилишга уларнинг маънавий ҳақи йўқлигини яна бир бор эслатиб қўйишга тўғри келади.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХАЛҚИМИЗГА БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ЁР

**Бир муддат ўтиб юртимизга яна ташриф буюрган киши, албатта, бир гапни таъкидлайди: яна қурилиш, яна бунёдкорлик. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг бунёдкорлигини бугун бутун дунё тан олмоқда.**

Ўзимиз ҳам. Балки мана шуниси – ўзимизнинг тан олаётганимиз муҳимроқдир. Зеро, бу халқимиз онгида яратувчилик руҳининг қайта тикланаётганидан, ана шундай туйғу билан яшай бошлаганимиздан, эртанги кунга ишончимиздан далолатдир. Ўтган саккиз ярим йиллик эркин тараққиётимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик, энг аввало кўзга ташланадигани айнан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари бўлади. Ушбу тарихий тадбирларга бош-қош бўлаётган, халқимизни бутун дунёга бунёдкор сифатида танитаётган ҳам, миллатни ўзининг куч-қудратига ишонтираётган ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов эканини барчамиз яхши биламиз. Бирон бир йил йўққи, хоҳ мамлакатимиз пойтахти, хоҳ вилоятларда бўлсин, бунёдкорлик тадбирлари давом этмаётган бўлса.

Маълумки, 1999 йилда Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда буюк мутафаккирлар Абу Мансур Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги, 2001 йилда эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарорлар қабул қилган эди. 8 март куни давлатимиз раҳбари мазкур тадбирлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиҳалари билан танишди. Ушбу лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, мафкураси нуқтаи назаридан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, Абу Мансур Мотурудий хотирасига бағишланган мажмуани табаррук ватандошимизнинг хоки ётган жойда эмас, бутунлай бошқа ерда бунёд этишни мўлжаллаган меъморлар режасига ўзгартириш киритишни таклиф этди. Президентимиз, жумладан, улуғ алломанинг мақбараси айнан унинг руҳи поки қўним топган жойда барпо этилиши кераклигини, тарихий ҳақиқатга зид иш тутиш адолат мезонига тўғри келмаслигини алоҳида уқтириб ўтди. Бурхониддин Марғиноний таваллудини нишонлаш билан боғлиқ Марғилон, Риштон шаҳарларида барпо этилиши мўлжалланган ишларнинг лойиҳаси билан танишиш чоғида Юртбошимиз амалга ошириладиган қурилиш, ободончилик тадбирлари мўлжалдаги мақсад ва вазифаларнинг маъно-моҳиятини бузмаслиги, ота-боболаримиздан қолган қадриятлар, удумларга зид бўлмаслиги кераклигига алоҳида эътиборни қаратди. Жумладан, Марғилон шаҳар марказий боғида — кўнгилочар масканда Бурхониддин Марғиноний хотирасига бағишланадиган ёдгорликни ҳамда мотамсаро она ҳайкалини ўрнатиш ҳам меъморий, ҳам маънавий нуқтаи назардан тўғри келмаслигини таъкидлади. Шунингдек, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Сурхондарё марказида барпо этиладиган иншоотлар хусусида ҳам фикрлар билдириб, Сурхон воҳасида мавжуд археологик обидаларни авайлаш, улардан топилган асори атиқаларни бир неча минг йиллик тарихий-маданий тараққиётимиз намунаси сифатида келажак авлод учун сақлаш мақсадида Термиз шаҳрида алоҳида музей барпо этиш борасида кўрсатма берди.

Лойиҳалар билан танишиш чоғида Президент шаҳарсозлик, меъморлик маданияти, қонунлари, талабларига ҳам диққатни жалб қилди. Жумладан, Навоий вилояти марказининг келгусида шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ривожланиши ҳамда бу ерда Алишер Навоий ҳайкалини барпо этиш ҳақида ўз таклифини айтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами – Наврўзи оламни нишонлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари билан ҳам танишди ва байрамнинг асосий тантаналари ўтказиладиган Ўзбекистон Миллий боғидаги янги саҳна майдони қурилишини кўздан кечирди. Президентимиз қурилаётган ушбу янги маскан Навоий боғи билан уйғунлашиб, унинг кўркига кўрк қўшиши, боғ атрофидаги бинолар яққол кўриниб туриши лозимлигини таъкидлади. Томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар ҳар томонлама қулай бўлиши зарур. Юртбошимиз Наврўз байрами томошалари дастури билан ҳам қизиқиб, унда халқимиз миллий қадриятлари, анъаналари билан боғлиқ саҳна кўринишларига, дорбозлар чиқишлари, халқ оғзаки ижодига, замонавий эстрада қўшиқларига кенг ўрин бериш кераклигини алоҳида қайд этди. Халқимиз бу байрамни ҳар йили интиқлик билан кутади. Шу боис, бу байрам дастури ҳар бир томошабинда ўзига хос қувончли таассурот қолдирсин, деди Президентимиз.

**Маҳмуд ТЕМУРОВ.**
**(ЎзА).**

**Дунёда одам боласига ўз қучоғини кенг очган, бошпана берган, нон-тузини дариғ тутмаган азиз гўша – Ватанни чин дилдан севиб ардоқлашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шунданми, ҳали ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини тўла англаб улгурмаган жажжи болажонлар ҳам мурғак қалблари билан ўзларига кўрсатилаётган меҳр-оқибатни дилдан ҳис қилади. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида истиқомат қилаётган беш ёшли қизалоқ Ҳадича давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга мурожаат қилиб, ўзбекистонлик ёш авлод кўнглидаги ана шундай бахтиёрлик ҳис-туйғуларини баён қилиб берган бўлса, не ажаб.**

## ҚИЗАЛОҚ ОРЗУСИГА ЕТДИ

Ўткир зеҳнли жажжи Ҳадича билан сўзлашсангиз, Ўзбекистон жуда ёқиб қолгани, болаларни бу ерда ҳамма суйиб-эркалаши, айниқса, боғчадаги қизиқарли машғулотлар ҳақида жуда бийрон гапиради. Буларнинг барча-барчасини Президентнинг болаларни чин дилдан яхши кўришидан деб билади.

Унинг доғистонлик бўлган оиласи бундан уч йил муқаддам тақдир тақозоси билан юртимизда истиқомат қила бошлади. Айни пайтда оила бошлиғи қўмиқ Магаман Магамедов давлат ҳуқуқ инспектори, рафиқаси авар Адиля Жемал болалар педиатри сифатида фаолият кўрсатмоқда. Оиланинг катта фарзанди Диляра ўрта мактабга, Ҳадича эса болалар боғчасига қатнайди. Юртимиздаги барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, энг асосийси, ёш авлодга катта эътибор бу оилада серқуёш Ўзбекистонга, унинг аҳил одамларига меҳр уйғотди. Ҳадичанинг Президент Ислом Каримовнинг суратини хонамнинг деворига осиб қўймоқчиман, деб орзу қилгани ҳам шундан.

Бироқ катталар Ҳадичанинг фотосурат борасидаги илтимосини ҳадеганда уддалай олишмади. Қизалоқнинг қистови билан онаси Ислом Каримовга хат ёзди. Мактуб эътиборсиз қолмади. Тошкент вилояти ва Ангрен шаҳар ҳокимлигидан бир гуруҳ вакиллар 8 март – баҳор байрами арафасида мазкур хонадонга ташриф буюришди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Асатов Ҳадича ва унинг оила аъзоларига Президент Ислом Каримовнинг жавоб мактуби ва совғаларини топширди. Қизалоққа Президент дастхати битилган портрет ҳам тақдим этилди.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Сени согиндик, Наврўз!



Тараддуд.

Тоҳиржон Ҳамроқулов олган сурат.

### ЁШЛАР ҚУВНАЙДИГАН КУН

*"Ҳалқобод" хўжалигининг ерлари Термиз туманидаги энг серҳосил ерлар. Маданият уйидан тортиб спорт майдончаларигача ҳамиша гавжум. Бу хўжалик раҳбарларию деҳқонларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганидан.*

*— Наврўз, айниқса, ёшларимиз қувнайдиган кун бўлади, — дейди хўжалик раиси Бахтиёр Қурбонов. — Бизда ҳозир ўнга яқин спорт тўгараги ишлаб турибди: футбол, волейбол, ўзбекча кураш, енгил атлетика, шахмат...*

*Қишлоғимиз ёшлари командаларга бўлиниб Наврўз мусобақаларига тайёрланмоқдалар. Байрам кунлари улар ўзаро куч синашадилар. Ғолибларга эсдалик совғалари берилади.*

*Хўжалик мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган. Ўша куни далага макка ва чигит экадиган сеялкалар олиб чиқилади. Эл-халққа сумалак улашилади. Одамлар Наврўздан бир йилга татигулик таассурот оладилар.*

**Ўз мухбиримиз.**

Фармонни ўқиб

## ИҚТИСОДИЁТГА ХИЁНАТ

**маънавий тубанлик оқибатида рўй беради**

**Фараз қилинг, уйингизда рўзғор учун зарур буюмлар секин-аста ғойиб бўла бошлади. Дастлаб йўқотишнинг ўрнини тўлдириш ҳақида ўйлайсиз. Кун ўтган сайин хонадонда зимдан ўғирлик рўй бераётганини фаҳмлайсиз.**

Эҳтиёт чораларини кўрасиз. Ҳушёрликни оширгандан кейин маълум бўладики, ўғри бегона эмас, ўз хонадонингизда яшайди. Аниқроғи, бели оғримай топилган пул ҳисобига таралла-бедод қилиб юришга ўрганган фарзандингиз йиллар мобайнида тўпланган буюмларингизни бир бошидан пуллаётган бўлиб чиқади. Ўша лаҳзада қанчалик жаҳлингиз чиқади? Гапиришга сўз тополмай қолсангиз керак.

Мамлакат Президентининг рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишига қарши қаратилган Фармони билан танишганда юқоридаги ҳолат кўз олдимда гавдаланди. Ўзбекистон эришаётган ютуқлардан ҳамма хурсанд бўлиб, мамлакат қудратини юксалтириш ишига ҳисса қўшган ҳар бир фуқаро кўнгли тоғдай кўтарилаётган пайтда ўз ичимиздан нафсини ўйлаган хиёнаткор шахс бойлигимизни четга пуллаш билан шуғулланиши учун одам боласининг ахлоқи қанчалик тубан бўлиши мумкин?

Президентимизнинг бу Фармони нима сабабдан юртимизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлигини яна бир бор эслатгандай бўлди. Тўғри-да, маънавияти юксак одам — комил инсон шу ишни қиладими? Ўз Ватанини азиз билган, табаррук заминимиздаги бойликларни кўпайтириш ҳақида эзгу ниятларни дилига жойлаган одам ҳеч қачон виждонига қарши бормайди.

Қаранг, алоқа симларини ўғирлаган кимсанинг кўзига битта нарса — жарақ-жарақ пуллар кўринади. Хўш, бу қилмиши оқибатида қанчадан-қанча одамлар бамисоли қўли кесилгандай ҳолатга тушишини билмайди дейсизми? Билади, лекин нафс қурғур шундайки, дунёга ўт кетса ҳам, унинг кабоби пишса, бас. Ким кафолат беради, бугун металлни сотган одам эртага ўз ота-онасини, фарзандларини сотиб юбормаслигига? Ундай маънан тубан одам бу кетишда Ватанни сотмайди, деб айта оласизми? Аслида у Ватанни сотиб бўлди, ахир юртимиздаги жамики бойликлар, шу жумладан металл парчалари ҳам Ватанимиз тимсолику?!

Аёллар байрамини нишонлаган кунимиз ойнаи жаҳоннинг «Ахборот» дастури юзларида табассум чарақлаган оналаримизни, дилбар қизлару меҳрибон опа-сингилларимизни кўрсатди. Шахсан мен зукко, доно, ҳаёли, иқтидорли қизларимиз — Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ёқимтой чеҳраларини кўриб кўнглимда бир олам ғурур пайдо бўлди. Ундан кейинги тасвирларда ҳам аёлларимиз юз-кўзларидаги мамнунлик ифодалари ҳар бир томошабин кўнглига кўчди. Лекин ўша куни «Ахборот» хижолат ва маъюсликдан юзлари шувит бўлган бошқа бир аёлни ҳам кўрсатди. Бу лаҳзалар байрам манзаралари асносида эмас, балки кўрсатувнинг криминал мавзусида намойиш этилди. Самарқанд шаҳридаги «Кассандра» фирмаси директори Солия Одилова 14,5 тонна металлни ноқонуний олиб чиқиб кетмоқчи бўлган ҳолатда намоён бўлди.

Қизиқ, бу аёлнинг нимасига етмаётган экан? У ҳам бошқалар қатори ўз фарзандлари, ёру биродарларидан байрам табригини қабул қилиши мумкин эди-ку?! Фақат бунинг учун ҳар кимнинг виждони эл-юрти олдида ҳам, Яратган олдида ҳам беғубор, соф бўлиши керак. Ахир халқ мулкига нисбатан гуноҳнинг уволи тутмай қолмайди. Эҳтимол, бу бир-бирига тескари манзара бошқаларга ҳам сабоқ бўлар? Бордию сабоқ бўлмаса, нафс бандаларини нафақат ҳуқуқ-тартибот соқчилари, эзгу ниятли ватандошларимиз ҳам тартибга чақиришлари керак. Зеро, Президентимиз Фармони барчамизни шунга даъват этади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



# ЛОЙДАН ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

**Китоб шаҳридаги «Ёшлик» бадиий кулолчилик жамоаси ташкил этилганига йигирма йил тўлди. Даставвал бу ерда ўнга яқин кулолчилик маҳсулотлари тайёрланган бўлса, эндиликда уларнинг тури 45 тадан ошди.**



*Яқинда жамоа кулоллари хорижлик турист-сайёҳлар учун анъанавий-миллий кулолчилик буюмлари — ҳайкалчалар, ўйинчоқларнинг ўнлаб турларини тайёрлашга киришдилар. Шунингдек, улар март ойидан бошлаб вилоят мактаблари учун бўр тайёрлашни режалаштирганлар.*

*Жамоа ўтган йилни ярим миллион сўмликдан ортиқ соф фойда билан якунлади. Айни чоғда «Ёшлик» бадиий кулолчилик ҳузурида Украина билан ҳамкорликда маъданли шифобахш сув қадоқлаш қўшма корхонасини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: ёш кулол Мирзоҳид Суюнов ўзи тайёрлаган маҳсулотлар билан; жамоа сифат бўлими муҳандиси Оля Орипова (ўртада) мусаввирлар Мавлуда Раҳмонова ва Манзура Қурбонова тайёрланган кулолчилик маҳслуотларининг сифатини кўздан кечирмоқда.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Тиббиёт

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ...



**Вирусология институтининг директори, профессор Шабот ХЎЖАЕВ билан суҳбат**

**— Домла, ўтган йили институт ўзининг 20 йиллигини нишонлади. Бугунги суҳбатимизни институтнинг ташкил этилишига сабаб бўлган омиллардан бошласак.**

— Вирусология институти касаллик тарқатувчи вирусларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Биласиз, Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон шўроларнинг пахта етиштириб берувчи базаси, тўғрироғи, мустамлакаси эди. Ана шу даврда пахта яккаҳокимлиги авж олдирилди. Рақамлар ортидан қувиб, бу ўлкада яшовчи инсонлар саломатлиги иккинчи даражали масалага айланди. Пахта зараркунандаларига қарши ўта заҳарли химикатлардан фойдаланилди. Ана шуларнинг оқибатида жигар хасталигининг кенг тарқалиш омиллари пайдо бўлди. 80-йилларга келиб Ўзбекистонда сариқ касали билан оғриш Африка мамлакатларидан ҳам ўтиб кетди. Бу жуда катта фожиа эди. Биласиз, бу хасталикка чалинган бемор ўз вақтида даволанмаса, бир умр ногирон бўлиб қолиши мумкин.

60-йиллардан бошлаб, кўпгина мамлакатларда вирусли гепатитлар эпидемия тусини олди. 50-йилларнинг бошида АҚШда, кейинроқ Европада, 60-йилларда собиқ СССР ҳудудида тарқалди. Ўз вақтида эътибор берилмаганлиги боис, Марказий Осиё республикаларида, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, шу жумладан, Ўзбекистонда авж олиб, айниқса, болалар ўртасида кенг тарқала бошлади. Касалликнинг келиб чиқиш омилларини, тарқалиш хусусиятларини ўрганиш ва хасталикка чалинган кишиларни даволаш борасида илмий изланишлар нақадар зарурлигидан келиб чиқиб, вирусология институтини ташкил этиш бўйича махсус қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида биринчи навбатда вирусли гепатитларнинг турларини аниқлаш, диагноз қўйиш услубларини ишлаб чиқиш, эпидемиология жараёнини, яъни тарқалиш қонуниятларини ўрганиш учун махсус лабораториялар ташкил этилди. Ана шу лабораторияларда ишлаш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилди.

Шунинг баробарида институт зиммасига вирусли гепатитлар билан бир қаторда бошқа вирусли касалликларга ҳам эътиборни жалб қилиш, жумладан, арбо вируслар юқумли касалликлари хусусиятларини ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб бориш юклатилди. Саҳро ва қир-адирларда яшайдиган жониворлардан то чивинларгача, уларнинг касаллик тарқатиш, тери касалликларига чалинган одамларнинг хасталиқка чалиниш оқибатларини ўрганиш ҳаёт ва давр тақозоси бўлди. Буларнинг моддий ва техник шароитлари ўрганилди. Янги лаборатория услублари ўрганилиб, амалиётга тадбиқ этила бошлади. Уларнинг қўлланиши натижасида вирусли гепатитларнинг 5 дан ортиқ мустақил, бир-бировидан ўз қонуниятлари билан ажралиб турадиган турлари аниқланди.

Ўша даврда вирусли гепатитларнинг турларини аниқлаш катта воқеа бўлди. Фожиа шунда эдики, касалликнинг бир тури билан оғриган бемор, тўғри даволанмаслик ва зарур қоидаларга итоат қилмаганлиги натижасида бошқа бир тури билан оғрийди. Агар хасталикнинг уч тури беморга юқса, бу жигар церрозини келтириб чиқариши аниқланди. Ҳомилали аёлларнинг шу касаллик билан оғриши сабабли улардан туғилган болаларга оила шароитида касаллик юқади. Вируснинг шундай турлари бор эканки, улар бачадонда мавжуд бўлади. Бу медицина тилида туғма гепатит дейилади. Бундай ҳол Ўрта Осиёда кенг учраши исботини топди.

Шунингдек, аниқ олинган илмий натижалар асосида Вирусли гепатитнинг В турининг олдини олишда зарур натижага эришиш учун махсус вакциналар қўлланиши тадбири (1987 йил) кўрила бошланди. Ўзбекистон биринчи бўлиб Белгиядан вакцина келтириш дастурини ишлаб чиқди ва 1989 йилдан бошлаб гепатит В га қарши бир неча юз минг болалар эмланди. Оқибатда юз минглаб эмланган болалар қарийб ўн йил давомида гепатитнинг В туридан сақланиб келмоқдалар.

**— Айни пайтда институтда фаолият кўрсатаётган қандай бўлимлар, лабораториялар мавжуд?**

— Вируслар турларини ўрганадиган лабораториямиз одамлар ўртасида вирусларнинг тарқалиш қонуниятлари, эпидемиологиясини ўрганади. Жигар ҳужайраларида бўлаётган жараённи ўрганадиган электрон морфологик лабораториямиз мавжуд. Ўта замонавий вирусларга қарши кучга эга бўлган ўсимликлардан олинадиган дори-дармонлар кашф қиладиган интерферон лабораторияси бор.

Ўта оғир, дори-дармонлар кор қилмайдиган даражадаги касалларнинг танасидаги токсинни парчалаб, бутун танани тозалаб, беморларни тузатишда энг кучли таъсир этувчи детоксикация лабораторияси ишлаб турибди.

Клиник жараёнларни, клиник касалликларни даволаш услуби устида иш олиб боришни ўрганишни таъминлайдиган клиник бўлим лабораториямиз беморлар хизматида.

Институтимизда махсус проспект асосида қурилган, 200 га яқин беморга хизмат кўрсатадиган касалхона мавжуд. Бунда 4 фан доктори, 15 фан номзоди, 40 дан ортиқ илмий ходимлар, 250 дан ортиқ шифохона врачлари, ҳамширалар, лаборантлар беморларга хизмат кўрсатади. Институт қошидаги шифохонамизда 200 дан ортиқ беморлар бир вақтда даволанади. Фақат 1999 йилда 3010 дан ортиқ бемор дардига шифо топди.

**— Вирусли гепатитнинг тарқалиши олдини олишга доир қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Мустақилликка эришганимиздан кейин вирусли гепатитларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юқорида айтилганидек, бу касалликка қарши мингдан ортиқ бола эмланди.

Арбовируслар билан шуғулланадиган лабораторияда талайгина ишлар амалга оширилди. Гепатитларга қарши вакциналар ишлаб чиқариш режаси илгари сурилди. Агар бу режалар амалга ошса, хасталикнинг олдини олишда катта ишларга йўл очилади.

Сизга бир аччиқ мисолни келтирмоқчиман. Биргина ўрта оғирликдаги гепатит В билан дардга чалинган бемор 25-35 кун даволаниши даврида ўрта ҳисобда 30-40 минг сўмлик дори-дармон сарф бўлади, ундан ташқари, харажатларни инобатга олсангиз ва ниҳоят, бундай касаллик бир неча ойлар давом этиб сурункали турга айланиб қолгудек бўлса, бемор оғир аҳволга тушиб, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам касалликнинг олдини олиш ҳар бир кишининг онгида бўлмоғи айни мақсадга мувофиқдир.

Мана шу масалаларда матбуот бизга ёрдам бериши керак. Чунки турли вирусли касалликларнинг олдини олишда халқимизнинг шахсий гигиенага, санитария қоидаларига риоя қилиши катта аҳамиятга эга.

Асримиз сўнгги йилининг Соғлом авлод йили деб эълон қилинишида жуда катта маъно бор. Бу эзгу ният халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида қайғуриш имконияти. Ана шу имкониятни мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро англаб етишини истар эдим. Халқимизнинг маънавий даражаси юксак бўлса, озодалик уларнинг доимий ҳамроҳи бўлади. Биз шифокорларнинг нима учун ҳаракат қилаётганимизни англаб етишади. «Соғ танда – соғлом ақл». Бу ҳикматда катта маъно мужассам. Насиб бўлса, келажакда истаган пайтда касалликнинг олдини оламиз. Юқумли хасталиклар камаяди. Бунга эса халқимизнинг турмуш даражаси, маънавияти, савиясининг ошиши орқали эришамиз.

**Суҳбатни А. ЖЎРАЕВ ёзиб олди.**

Маиший хизмат

# ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

**Санобар билан Маҳмуд ўзларида йўқ шод эдилар. Мамнунликлари шундай юз-кўзларидан билиниб турарди. Инсоннинг бахтли онлари кўп бўлади. Айниқса, йигит билан қиз учун ЗАГСдан ўтиб, расмга тушаётган паллалари ҳам ҳаяжонли, ҳам қувончли ҳолдир.**

**Тўй кунлари бу икки ёшнинг келин-куёвлик либосида бирга тушган расмлари чиқмай қолди. Буни қарангки, орадан йиллар ўтиб уларнинг истагини «Uz Bliss» қўшма корхонаси рўёбга чиқарди.**

**— Кийимлари худди ўзимизга бичиб тикилгандек-а, — дейди Маҳмуд Санобарга қараб.**

**Буюртирсангиз шундай чиқмасди, — дейди бунга жавобан Санобар. — Яна мен кийган келинлик либосини айтмайсизми? Худди ўлчаб тиккандай-а. Гўзаллиги-чи. Олган суратларини қаранг, кўзингизни қамаштиради-я.**

**Шаҳримизда эндигина иш бошлаган «Uz Buss» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси аҳолига маиший хизмат кўрсатишга доим тайёр. Бу салонга келмабсиз, гўзалликни кўрмабсиз. Бу ерда оилавий даврада суратга тушириш, фотоальбомлар, ҳошияли портретлар тайёрлаш билан хизмат кўрсатилади. Видеолавҳага тушириш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Башариятнинг ажралмас ва гўзал бир бўлаги бўлган аёлларимиз учун гўзаллик салони ҳам ишлаб турибди.**

**— Тўй ва маросим либослари, эркакларнинг тим қора костюмлари —буларнинг барчасини зукко мутахассислар томонидан тайёрлашган, — дейди корхона бошлиғи Пак Те Ун.**

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**
**Тошкент шаҳри.**

Соғлом авлод йили

# «ЁШЛАР МАРКАЗИ» ЧОРЛАЙДИ

**Фарғона Давлат университети қошида ташкил этилган вилоят ёшлар «Билим маркази» ўз фаолиятини бошлаш арафасида**

Йигит-қизлар ҳаётига жўшқинлик бахш этадиган мазкур марказ ёшларнинг энг севимли масканларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Уни ташкил этишда «АКСЕЛС» фонди, Американинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳомийлик қилди. Айниқса, «АКСЕЛС» директори Эрик Блендер ҳамда «Дунё корпуси» волонтёри Жошуа Махлаудр бу ишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

– Нафақат талабалар ва ўқувчилар, балки барча хоҳловчилар марказ тадбирларида қатнашишлари мумкин. Бу ерда инглиз тилини ўрганиш билан бирга қизиқарли учрашувлар, баҳслар, кеча ва танловлар ўтказилади, – дейди марказ директори, Фарғона Давлат университети талабаси Моҳира Қурбонова.

Марказда америкалик олимлар, зиёлилар билан суҳбат қуриб, уммон орти мамлакати билан яқиндан танишиш, шунингдек, АҚШдан келтирилган китоблардан, компьютер ускуналари, интернет алоқаси ва бошқа қулайликлардан фойдаланиш мумкин. Инглиз тили билан шуғулланувчилар, Америка ҳаёти ва маданиятига қизиқувчилар, бўш вақтини ҳам унумли, ҳам мазмунли ўтказмоқчи бўлганлар учун марказ эшиклари ҳамиша очиқ.

**Н. СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЛАЛАР ТАОМЛАРИ КОРХОНАСИ

Каттақўрғон шаҳрида «Болалар таомлари» холдинг компанияси Американинг «Тексуна Интернэйшл» компанияси билан ҳамкорликда маҳаллий маҳсулотлардан болалар таомлари ишлаб чиқарадиган завод қурилишини бошлаб юборди.

Болалар таомлари юртимизда ўсадиган шафтоли, олма, беҳи, олхўри, сабзи, ошқовоқ, ўрик ва шунга ўхшаш табиий мева ва сабзавотлардан тайёрланади. Шунингдек, маҳсулотни қабул қилиш, уни тозалаш, ювиш, қадоқлаш, барча технологик жараёнларни компьютер бажаради. Завод ишга туширилгач, 120 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ўринлари билан таъминланади.

**А. ҚОДИРОВ.**

# ЁШ БОКСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Нукусда бокс бўйича 1984-85 йиллари туғилган ўспиринлар орасида Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бу мусобақада ўз вазн тоифалари бўйича Нукус шаҳридан Матназаров, Қуламетов, Қўнғирот туманидан Қоражигитов, Қўчқоров, Хўжайли туманидан Қулжанов, Тўрткўл туманидан Дуйсенов, Амударё туманидан Йўлдошевлар ғолиб бўлдилар.

Ғолиблар Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон биринчилигида қатнашадилар.

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ.**
**Қорақалпоғистон.**
**«Туркистон-пресс».**

Реклама ва эълонлар
136-09-25

**Миллий рақс санъатини ривожлантириш, қобилиятли ёш рақкосалар ижодий имкониятини юзага чиқариш, рақс мактаби ютуқларини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида Бухорода вилоят миллий рақс жамоаси ташкил этилди.**

# БУХОРОДА ЯНГИ РАҚС ЖАМОАСИ

Рақс жамоасига Бухоро санъат билим юрти хореография бўлимини тугатганлар ёхуд мазкур билим юртида таҳсил олаётганлар, шунингдек, 16-20 ёшдаги истеъдодли ҳаваскор ижрочилар қабул қилиниши режалаштирилаяпти. Балетмейстер ва артистларнинг бош мақсади — халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган Бухоро рақсларини жамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгига бу санъат турига чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдиришдан иборат.

**А.САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Милициянинг тезкор фаолиятидан

# 300 ДОЛЛАРЛИК ХИЗМАТ

**Гиёҳвандлик моддалари билан олди-сотти қилувчилар, ташувчи ва тарқатувчилар тобора пинҳона усуллар билан ўзларининг қинғир ишларини давом эттиришмоқчи бўладилар. Бироқ барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қатори ички ишлар ходимлари ҳам уларнинг бу хилдаги найрангларини аёвсиз фош этишмоқда.**

**Сурхондарё вилояти Денов тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган чора тадбирлар натижасида Денов шаҳрида яшовчи Латиф Мамасодиқов бошқарувида бўлган Тошкент вилояти Паркент туманидаги автокорхоналардан бирига қарашли давлат белгиси 11 АЕ 768 бўлган «Камаз» автомашинасига ортилган фуқаро Аҳмад Халилбоевга тегишли 630 яшик текшириб кўрилганида у ерга умумий вазни 4 килограмму 170 грамм бўлган героин моддаси яширилганлиги маълум бўлди. Уларнинг сафарига шу ернинг ўзидаёқ нуқта қўйилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.**

**Маълумки, кейинги пайтда тожикистонлик айрим фуқаролар ўз ҳаётларини хавфу хатарга қўйиб бўлса-да ошқозонига гиёҳванд моддаларини ютиб олиб чегарадан ўтишга уринишмоқда. Наклиёт ички ишлар бошқармаси Бухоро шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари эса ўз тажрибаларига суяниб уларнинг қорнига яширилган гиёҳванд моддаларини ҳам аниқламоқдалар. Кўлоб вилоятида яшовчи Файзали Сафаров ҳам 200 граммдан зиёд героин гиёҳванд моддасини ўтказишда ана шу усулдан фойдаланишга ҳаракат қилган. Шунингдек, ҳисорлик Абдужаббор Солиевнинг ошқозони ювилганида ундан ҳам шунча миқдорда елим халтачаларга ўралган героин гиёҳванд моддаси олинади.**

**Дастлабки суриштирувлардан маълум бўлишича, улар бу гиёҳванд моддаларни Москва ва Саратов шаҳарларигача етказиб беришса, уларга буюртмачилар 300 АҚШ долларидан хизмат ҳақи беришар экан.**

**Ҳа, бундай холис хизмат уларга энди бирмунча қимматга тушадиган бўлди. Чунки 300 долларни хаёл қилган кишилар энди озодликдан маҳрум этиладиган бўлишди.**

# ТОЙЛАНГАН ЖУН ВА ҲУЖЖАТСИЗ МАТОЛАР

**Наманган вилояти ички ишлар ходимлари томонидан Наманган шаҳар Гулистон маҳалласида ўтказилган «Тонг» тадбирида айрим фуқароларнинг кўплаб ҳужжатсиз буюмлар, рангли металлар ва бошқа таъқиқланган матоҳларни ноқонуний тарзда сақлашаётгани маълум бўлди.**

**«Гулистон» кўчасидаги 3-уйда яшовчи Ҳусан Холмирзаевнинг хонадони кўздан кечирилганда, уй ертўласида бутун бошли цех очилганлиги аниқланди. Ноқонуний фаолият кўрсатувчи қувватлар 5 тоннага яқин жунни тойлашга мослашган экан. Албатта, бу тойланган жунлар қўшни республикаларга ўтказиш учун тайёрлаб қўйилган. Бундан ташқари, ушбу хонадонда кўплаб алюмин ва қуйма қўрғошин бўлаклари, эски телевизорлар ҳамда «Москвич» ва «Жигули»лар ҳеч қандай ҳужжатсиз сақланаётган экан.**

**Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.**

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими.**
**Эльдар АНТИПОВ.**




«Ўзулгуржибиржасавдо» республика акционерлик уюшмаси раҳбарияти моддий-техника таъминоти тизимининг кекса ходими, «Андижонулгуржибиржасавдо» вилоят компаниясининг собиқ раҳбари **Нодир Абдураҳмонович АББОСОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Архитектура қурилиш институти раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари институт доценти Муҳайё Исмонхўжаевага умр йўлдоши **Абдумажид ЗОКИРХЎЖАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобил ва йўллар институти ректорати ва жамоаси бирлашган касаба уюшмаси раиси Абдуқаҳҳор Тўлагановга волидаи муҳтарамаси **Тамарахон ая РОБИЯ қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 196, 27017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — А. ҲАЙДАРОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.25*
1 2 3 4 5 6